



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 24 июн, шанба №91 (923)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

САДОҚАТ НАМУНАСИ

Бухоро тумани галлакорлари Ўзбекистон мустақиллигининг 9 йиллигига муносиб меҳнат совғаси ҳозирлашга аҳд қилишган эди. Омилкорлик, фидойилик туфайли эзгу ният амалга ошди. Район бўйича 11.500 тонна ўрнига 12.900 тонна галла топширилиб, шартнома режаси ортиги билан бажарилди. Бунга «Маданият», «Ўрта Осиё», «Ўзбекистон», Усмон Юсупов номли хўжаликлар муносиб ҳисса қўшдилар.

Маъмуриятлар ва касаба уюшмалари ўрим-йиғимда иштирок этганларга қулай шарт-шароитлар яратганликлари, ҳалол меҳнат муносиб қадрлангани юқори суръат ва сифатни таъминлади. Қудратли «КЭЙС»-лар хирмонга барака киритди. Моҳир комбайнчилар Ҳамид Насуллаев ва Ваҳоб Саъдуллаевлар мавсум қаҳрамонлари бўлишди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ БОЗОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА МАҲСУЛОТЛАР СОТИШ УЧУН ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қайд этдики, кейинги вақтларда республикада бозорлар фаолиятини тартибга солувчи зарур меъёрий-ҳуқуқий база яратилди, уларни тартибга келтириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқини таъминлаш, шунингдек, бозорларда савдонини ташкил этишни тақомиллаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Бироқ шунга қарамай, бозорларда ҳамон сотувчиларнинг фаолияти ва харидорлар учун мақбул шароитлар яратилмаган, олибсатарларга қарши кураш олиб борилмапти, белгиланган санитария нормалари ва қоидаларига зарур даражада риоя қилинмапти, ноконуний йиғимлар ундирилишига йўл қўйилмоқда, кўпчилик ҳолларда бозорлар ҳудудида маҳсулотларнинг сифати ва истеъмол хусусиятларини аниқлайдиган лабораториялар мавжуд эмас, бозорларнинг раҳбарларини виждонли ва софдил мутахассислардан танлаш ишлари бўшаётганлиги юборилган.

Республиканинг бир қанча туманлари ва шаҳарлари ҳокимлари бозорлар фаолиятини тақомиллаштиришга, савдо учун зарур шарт-шароитларни таъминлашга, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга зарур эътибор бермаётганлиги, янги савдо ўринлари ташкил этиш ва уларнинг моддий базасини мустақамлашда зарур ташаббус кўрсатмаётганлиги.

Буларнинг барчаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан зарур назоратнинг йўқлиги оқибатда келиб чиққан.

Бозорларда савдонини ташкил этишни тартибга солиш ва унинг тизимини тақомиллаштириш, уларнинг моддий базасини мустақамлаш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг ушбу маҳсулотларини келтириши, сақлаш ва сотишлари учун уларга шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Тошкент шаҳар Ҳамза тумани (Муҳаммадхўжаев) ва Самарқанд шаҳар Сиеб тумани (Рафиқов) ҳокимлари бозорлар фаолиятини ташкил этиш ва улар устидан назорат ўрнатиш бўйича қоникорлиқ иши учун эгалаб турган лавозимидан озод қилинсин.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани (Одилов), Жиззах вилояти Зомин тумани (Собибназаров), Бухоро шаҳар (Камолов) ҳокимларига бозорлар ишига раҳбарлик қилиш ишлари бўшаштириб юборилгани учун хайфсан эълон қилинсин.

Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов (Тошпўлатов), Чилонзор (Қосимов), Яккасарой (Мирқосимов) туманлари, Қарши (Қораев), Урганч (Юсупов), Оҳангарон (Расулов), Янгийўл (Қорабев) шаҳарлари ҳокимларига бозорларни назорат қилиш бўшаштириб юборилганлиги ва бозорлар ҳудудида зарур тартиб таъминланмаганлиги қатъий кўрсатиб ўтилсин.

Юқорида санаб ўтилган туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари бозорлар ишини тубдан яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар қўрилмаган тақдирда уларга нисбатан эгалаб турган лавозимларидан озод қилишга бўлган жавобгарликнинг қатъий чоралари қўлланилиши тўғрисида огоҳлантирилсинлар.

Бозорларнинг зарур даражада ишлашини ташкил этиш учун шахсий жавобгарлик республика шаҳарлари ва туманлари ҳокимлари зиммасига юклансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қайд этдики, кейинги вақтларда республикада бозорлар фаолиятини тартибга солувчи зарур меъёрий-ҳуқуқий база яратилди, уларни тартибга келтириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқини таъминлаш, шунингдек, бозорларда савдонини ташкил этишни тақомиллаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Бироқ шунга қарамай, бозорларда ҳамон сотувчиларнинг фаолияти ва харидорлар учун мақбул шароитлар яратилмаган, олибсатарларга қарши кураш олиб борилмапти, белгиланган санитария нормалари ва қоидаларига зарур даражада риоя қилинмапти, ноконуний йиғимлар ундирилишига йўл қўйилмоқда, кўпчилик ҳолларда бозорлар ҳудудида маҳсулотларнинг сифати ва истеъмол хусусиятларини аниқлайдиган лабораториялар мавжуд эмас, бозорларнинг раҳбарларини виждонли ва софдил мутахассислардан танлаш ишлари бўшаётганлиги юборилган.

Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари: Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг ҳудудий бўлинулари билан биргаликда бир ой мuddатда бозорлар фаолиятидаги мавжуд нуқсонларни, уларнинг акциялари пакетлари амалда жойлаштирилишини, дивидендлар тўлинишини, олинган даромадлар шакллантирилиши ва улардан мақсадли фойдаланилишининг тўричилигини ўрганиб чиқсинлар ҳамда камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгиласинлар;

ўрганиб чиқиш натижалари бўйича 2000-2001 йилларда ҳар бир бозорнинг моддий-техника базасини мустақамлаш дастурини ишлаб чиқсинлар. Дастурини ишлаб чиқишда ҳар бир деҳқон бозорининг чегарасини аниқ белгилаш, автотранспорт тўхташ жойларини ташкил этиш учун зарур майдонлар ажратилиши, бозорлар ҳудудига қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини тушириш ва юклаш учун махсус майдонлар ташкил этиш, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини келтириш бўйича комплекс пулли қилишлар кўрсатиш масалалари ҳал этилишига алоҳида эътибор берсинлар;

деҳқон бозорларига қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари тўқсиз келтирилишини таъминлаш мақсадида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ортлалар автомашиналар бозорлар ҳудудига кирганлиги учун ҳақ ундирмасинлар;

деҳқон бозорларида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини улгуржи харид қилиш ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан шартнома турғузи, шу жумладан, фьючерс шартномалари турғузи бўйича ташкил этилган савдо-харид корхоналари ишини фаолаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқсинлар;

икки ой мuddатда бозорларнинг раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказсинлар, унинг натижаларига кўра бозорларнинг номуносиб ва ўз оёқсизини тўқсан раҳбарларини эгалаб турган лавозимларидан қатъий равишда бўшастирилсинлар, бунда уларнинг бозорлар маъмурияти таркибидеги бошқа лавозимларда қолтиришга йўл қўймасинлар;

бир марталик йиғимини ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларини ундириш олувчи турғун пунктларнинг зарур даражада ишлашини таъминласинлар, бунда ҳар 500 сотувчига (савдо ўрнига) битта пункт тўғри келиши, шунингдек, уларнинг касса аппаратлари билан таъминланганлиги назарда тутилсин;

«Ўзавтотранс» корпорацияси ҳудудий ташкилотлари ва «Тошхажайловчи»-ранс» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автотранспорт назорати бош бошқармасининг ҳудудий органлари билан биргаликда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини деҳқон бозорларига етказишнинг мавжуд йўналишларини қайта кўриб чиқсинлар ва зарурият бўлганда бунинг учун қулай бўлган йўловчи ташвиш ва юк автотранспортлари қатновининг янги йўналишларини ташкил этсинлар.

Ушбу бандини бажариш юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида 2000 йил 15 июлгача Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин.

3. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари бевосита уларни етиштирувчилар томонидан деҳқон бозорларига белгиланган тартибда ташиб келтирилиши ва сотилиши борасида бирон-бир чеклашлар

қақлансин. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари уларни етиштирувчилар томонидан бозор ҳудудига эркин ташиб келтирилишига ва сотилишига тўқсизлик қиливчи бозорларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ ул зоти шариф илмий-диний меросини асраб-авайлаш, жамлаш, ўқиб-ўрганиш ва ундан жамиятнинг баркамол кишиларини тарбиялашда оқилона фойдаланиш мақсадида фаол иш олиб бормоқда.

4. Белгилаб қўйилсинки, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини жисмоний шахслар томонидан республика ташқирисига чиқариш божжона органларига маҳсулотни олиб кетувчи шахс паспортини, юқининг божжона декларациясини ва фитосанитария сертификатини кўрсатган ҳолда амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бозорлар барча даромадларининг, шу жумладан, бир марталик йиғимнинг ва кўрсатилган хизматлар ҳақининг тўлиқ тушиши, шунингдек, даромадлар тегишли қисмининг маҳаллий бюджетларга ўз вақтида ажратилиши устидан қатъий назоратни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ва уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни ташувчи автотранспорт республиканинг бутун ҳудуди бўйлаб эркин ҳаракатланшини таъминласин. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ташиб юборилган автотранспортнинг эркин ҳаракатланшини ноконуний тўқсизлик қилувчи мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қатъий жавобгарликда тортилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўздавстандарт» маркази билан биргаликда:

бозорлар ҳудудига белгиланган санитария-гигиена талабларига риоя қилиниши устидан назоратни таъминласин;

деҳқон бозорлари ҳудудига келтирилётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари сифати ва истеъмол хусусиятларининг белгиланган талабларга мувофиқлиги устидан доимий назоратни ташкил этсин;

бир ой мuddатда бозорлардаги барча назорат-ўлчов воситаларини хатлаб чиқсин ҳамда улар ҳузурида ишлаб турган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари сифатини аниқлаш бўйича лабораторияларни аттестациядан ўтказсин ва уларнинг технологик жиҳозланганлигини яхшилаш чора-тадбирларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат мулк қўмитаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда бозорлар фаолиятини тартибга солувчи нормаларни хатловдан ўтказсинлар, республикада бозорлар ташкил қилиниши, уларни давлат рўйхатидан ўтказиши ва улар фаолиятини тартибга солувчи ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқсинлар. Ҳуқуқат қарорларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари М.З.Усмонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2000 йил 22 июн

Қадрият

Мамлакатимизда қалом илмининг асосчиларидан бири, ҳадис ва фикҳ фани равақига улкан ҳисса қўшган буюк ватандошимиз Абу Мансур ал-Мотурудий таваллудининг 1130 йиллигига қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Олимларимиз Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ул зоти шариф илмий-диний меросини асраб-авайлаш, жамлаш, ўқиб-ўрганиш ва ундан жамиятнинг баркамол кишиларини тарбиялашда оқилона фойдаланиш мақсадида фаол иш олиб бормоқда.

МОТУРУДИЙНИНГ НОМАЪЛУМ АСАРИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида бу борада олиб борилаётган илмий изланишлар натижаси ўларок, мазкур илм даргоҳининг қўлёзмалар хазинасида ал-Мотурудийнинг форс тилида ёзилган тажвид - Қуръонни талаффуз қоидалари билан ўқишга оид асари мавжудлиги аниқланди. Институт манбашунослик бўлими мудирини Омонулло Бўриевнинг таъкидлашича, ал-Мотурудий ўз асарларини асосан араб тилида ёзган. 4019/П рақами билан рўйхатга олинган мазкур асар форс тилида бўлиб, аввалида унинг номи «Иршод ал-мубтадийн фий тажвид каломи робб-улоламин» («Қуръон ўқишга киришганлар учун қўланма») экани, Имом Абу Мансур Мотурудий қаламига мансублиги қайд этилган. Тахмин қилинишича, ушбу нусха XIX асрда кўчирилган.

Асарда муаллиф ушбу қўланманни араб тилини тушунишга қийналадиган, Қуръон ўқиш қоидаларини яхши билмайдиган кишиларга мўлжаллаб форс тилида ёзганлиги баён этилган. Китоб жами ўн бобдан иборат бўлиб, мотурудийшунослар уни буюк аломанинг бошқа бир асари - «Таввилот ал-Қуръон» («Қуръонга махсус шарҳлар») китобининг узвий давоми, деб ҳисобламолда.

(ЎЗА).

ХАЛҚАРО МОЛИЯ ҲАМЖАМИЯТИ МУКОФОТИ

Осиё ва Тинч океани минтақасининг ҳар йиллик банк конгрессига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига «Кичик ва ўрта бизнес» ривожлантириш дастури» ни амалга ошираётганлиги учун халқаро молия ҳамжамиятининг юқори мукофоти топширилди. Конгресс май ойининг охирида Куала-Лумпурда (Малайзия) ўтказилди. Миллий банк хусусий секторни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун «Энг яхши молиявий ривожлантириш дастури» номинациясида голиб деб топилди.

Осиё ва Тинч океани минтақасининг ҳар йиллик банк конгрессига йирик банк конференцияси ҳисобланади. Бу йилги Конгрессда 50 дан ортик давлатлар делегатлари, шунингдек, АКШ, Европа ва Осиё мамлакатлари банклари, сановат ва савдо компаниялари, халқаро ривожлантириш банкларининг вакиллари иштирок этди. Конгресс доирасида энг яхши банк дастурлари ва маҳсулотлари кўриги ўтказилди. Танловнинг 15 номинацияси бўйича голиблик учун Осиё молия институти



ри 209 та лойиҳа билан даъвогарлик қилишди. Мукофот Миллий банк ютуқлари қаторидан жой олди. «Евроман» халқаро молия журналининг баҳолагани банкларининг вакиллари кўра, у 1998-1999 йилда Ўзбекистондаги энг яхши банк, 1999 йилда Марказий Осиёдаги энг яхши банк деб тан олинган. «Trade Finance» нашри Миллий банк ва Societe Generale банкни ўртасида тузилган

ган 2 та битимни йилнинг энг яхши битимлари қаторига киритди.

Бугунги кунда Миллий банк кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги инвестиция лойиҳалари учун бир қанча халқаро молия институтилари кредит линияларини ўзлаштирмоқда. Банк томонидан бу соҳа корхоналарини қўллаб-қувватлаш учун жалб этилган халқаро молия институтилари кредит ресурсларининг умумий ҳажми 135 лойиҳани молиялашга йўналтирилган 232,7 миллион АКШ долларини ташкил этади.

Миллий банкнинг хусусий соҳани ривожлантиришга қўшган улуши учун мукофотлини ҳаҳон ҳамжамияти Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни эътироф этаётганлигидан далолат беради. Маълумки, мамлакат ҳуқуқмати кичик ва ўрта хусусий бизнесни ривожлантиришни устувор вазифа этиб белгиланган. Миллий банк республикада кичик ва ўрта бизнес корхоналари инвестиция лойиҳаларини молиялашни бошлаб берди ва бу соҳада етакчи ўринни эгалаб келмоқда.

(ЎЗА).



Мустақил Ўзбекистон автомобиллари

НУРОТА МУЛҚДОРЛАРИ

Нурота туманидаги «Сарбон» фермер хўжалиги ўз имкониётларини кенгайтириб бормоқда. Хўжалик ўтган йили 400 га яқин кўйга эга бўлиб, етиштирган гўшти, картошка, сабзавот маҳсулотларини Навоий тоғ-кон металлургия комбинати, ноғиронларни реабилитация қилиш маркази ҳамда «Меҳрибонлик уйи»га шартнома асосида етказиб берган эди.

Айни пайтда ишбилармонлар туҳум ва чўчка гўшти етиштиришни ҳам йўлга қўядиган бўлишди. Бунинг учун Кармана шаҳридаги фермани ўз ихтиёрларига олишди.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» муҳбири.

Ўзбекистон транспорт прокуратураси «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компанияси манфаатини кўзлаб жавобгар - Зарбдор туман «Агрокимётаъминот» ҳиссадорлик жамиятидан 40 миллион 422 минг 256 сўм қарзни ундирishi тўғрисида даъво аризаси билан Жиззах вилоят ҳўжалик судига муурожаат қилди.

Даъвогар вакиллари жавобгар томонда бугунга келиб жами 38 миллион 865 минг 408 сўм қарзи қолганини, шу маблағни ундириб беришликни сўрайди.

Суд иш материалларини ўрганиб чиқиш жараёнида маълум бўлдики, тарафлар ўртасида тузилган битимга асосан «Агрокимётаъминот» ҳиссадорлик жамияти Зарбдор темир йўл бекати хизматидан фойдаланиб келганлиги, шартномага кўра ҳиссадорлик жамияти олдиндан хизмат

ҳақини тўлаб қўйиши лозим бўлса-да, унга тўлиқ амал қилинмаган. Темир йўл вагонларидан унумли фойдаланмаганлиги, вақтида маҳсулотни тушириб, вагонларни белгиланган мuddатда бўшатиб беролмаганлиги учун 1998-99 йиллар давомида Зарбдор «Агрокимётаъминот» ҳиссадорлик жамиятига 43 миллион 356 минг 213 сўмлик жамияти олдиндан хизмат

Масъулиятсизлик

Темир йўл бекати бошлиғи В.Баҳромов, туман «Агрокимётаъминот» ҳиссадорлик жамияти раҳбари Н.Тоғаймуродов ҳамда унинг темир йўлдаги вакили Т.Шодмонқуловлар жарималарнинг ҳақиқий миқдорини

ҳисобланган жарималар ҳақида ўзаро таққослаш далолатномалари тузилганига қармасдан қорхона раҳбарияти бу ҳужжатни назар-писанд қилмаган.

Зарбдор «Агрокимётаъминот» ҳиссадорлик

ЖАРИМА ЖАБРИ

камайтириб, бухгалтерия ва юқори идораларга ҳисобот бериб бораверишган. Улар кўрсатган сохта маълумотларга кўра қорхонага ҳисобланган жарима миқдори 7 миллион 861 минг 556 сўмни ташкил этади.

Темир йўл ва Зарбдор «Агрокимётаъминот» ҳиссадорлик жамияти ўртасида дебиторлик қарз ва вагонларни ортқича ушлаб турганлиги учун

жамиятининг мансабдор шахси сохта ҳужжатларни расмийлаштиришга йўл қўяди ва қорхона манфаатига кўп миқдорда моддий зарар етказилишига сабабчи бўлади. Оқибатда қорхона вилоят ҳўжалик судининг ҳал қилув қарорига кўра 19 миллион 843 минг 947 сўм маблағни «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компания-

сига тўлайдиган бўлди. Вилоят ҳўжалик суди туман «Агрокимётаъминот» ҳиссадорлик жамияти раҳбари Н.Тоғаймуродов, бош ҳисобчи Р.Ҳолмирзаев, темир йўлдаги ишончли вакил Т.Шодмонқулов ҳамда бекат бошлиғи В.Баҳромовлар «Агрокимётаъминот» ҳиссадорлик жамиятига 19 миллион 21 минг 500 сўм жарима ҳамда 199 минг 440 сўм бож харажатлари тўлашдек кўп миқдорда зарар етказилганлиги факти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 207-1, 209-1-моддалари билан жиноят иши қўзғатиш ҳақида ажрим қилди.

Абдувоҳид ТОВБАЕВ,
Жиззах вилоят ҳўжалик суди судьяси.

«Ишонч»га жавоб берадилар «БОЛАЛАР КўНГЛИ ҲАҚСИМИН»

Газетамизнинг шу йил 17 май сонидеги юқоридеги сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда тумандаги бир неча йирик қорхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчилари болаларининг ёзги дам олишини ташкил этиш ўлда-жўлда эканлиги тилга олинган эди.

Мақола мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида муҳокама қилинди. Чунончи, туман халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси орқали Нурота шаҳрида 5 та мактаблар қошидаги оромгоҳлар фаолияти йўлга қўйилиб, айни пайтда оромгоҳда 250 нафар боланинг дам олиши ташкил этилган. Кўрсатилган оромгоҳларни мавсумга тайёрлашда тумандаги 109 қурилиш қорхонаси, А.Яссавий ҳиссадорлик жа-

мияти, Автомобил йўллари бошқармаси каби ташкилотлар хомийлик қилишди.

Шулар билан бир қаторда тумандаги 10 та жамоа-ширкат ҳўжаликлари қошида ҳар бири 50 ўринли меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари ташкил этилиб, уларга 500 нафар болалар жалб қилинди. Мазкур оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш ва маблағ билан таъминлаш туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси томонидан амалга оширилмоқда.

Туман ҳокимлиги ташкил этилган оромгоҳларнинг фаолиятини доимий назоратга олди.

У.ҲАКИМОВ,
Нурота туман ҳокими.

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик!

Бугунги Ўзбекистон ривожланган ҳаётнинг давлатчилигининг илгор тажрибалари ва миллий аъёнларимиз, кадрларимизни уйғунлаштирган ҳолда замонавий демократик давлат сифатида юксалмоқда. Бу бевосита инсон ҳуқуқларини кафолатлаш ва демократик тамойилларни чуқурлаштириш асосида вужудга келадиган ҳуқуқий давлатни барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш билан бевосита боғлиқдир.

Ўттиш жараёнларининг ўзига хос мураккабликлари, қийинчиликларини ҳар бир давлат ўз бошидан кечирган, албатта. Авваламбор, мамлакат ижтимоий барқарорлигини таъминлаш ислохотларини ниҳосига етказишни талаб қилади.

Не саодатки, мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ ижтимоий-сиёсий барқарорлик, тинчлик, миллатлараро тотувлик таъминланди. Эски маъмурий-буйруқбозлик тизими барҳам топди. Ҳуқуқий давлат барпо этиш учун пойдевор қўйилди. Барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ҳамда қонун устуворлигини кафолатловчи ҳуқуқий замин яратилди.

Сиёсий ва ижтимоий ислохотлар Президентимиз асослаб берган бозор иқтисодиётига ўтишни беш тамойили асосида амалга оширилмоқда. Яъни, янги ҳуқуқий база ва янги ижтимоий муносабатлар шаклланишида давлатнинг ўзи ташаббускор бўлди. Президентимиз шундай дейди: «Янги шундай давлат ва ижтимоий тузилма куриш керакки, унда кучли марказий ҳокимият ўз саъй-ҳаракатларини мудофаа, давлат ҳафизлиги, тартиб-интизом, ташқи сиёсат, валюта-молия, солиқ тизимини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш ва жамиятнинг бошқа стратегик вазифаларини амалга ошириш йўллари, асосий умуммиллий вазифаларга қаратмоғи зарур. Бошқа масалаларни ҳал этиш эса аста-секин марказдан жойларга, давлат ҳокимияти органларидан жамоат билан шўнақалар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтказилиши лозим».

Бу йўл кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига ўтишни бош кафолати бўлиб, 90-йиллар охирига келиб бунинг учун иқтисодий-ижтимоий шараф етилди.

Юртбошимизнинг «Биз

олдимизга фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадини қўйганмиз. Фуқаролик жамиятини куриш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишни кўзда тутди», — деган сўзлари маҳаллаларга бўлган катта ишончнинг намунаси.

Дарҳақиқат, маҳалла — жамиятнинг бир бўлаги. Ундаги камчиликлар тугатиш, муаммолар ечилса, фаровон турмушга бўлган ишонч янада ортади. Шу боис ҳам Олий Мажлиснинг XIV сессиясида қабул қилинган «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш тўғрисида»ги янги тахрирдаги Қонун муҳим аҳамиятга эгадир. Янги қонунда биринчи маротаба фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тушунчаси, уларнинг Конституцияда мустақамланган ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқи, маҳаллий органлар билан муносабатлари, бу ҳуқуқни амалга ошириш механизми ва кафолатлари очиб берилган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунлар ҳамда Президент томонидан чиқарилган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган меъёрий ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этади.

Ўзбекистонда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларини такомиллаштириш асосида ижтимоий ҳаётимизда демократияни чуқурлаштириш, давлат ролин аста-секинлик билан маҳаллий орган тизимига юқлаш тизими анча мукамал ва жаҳон тажрибалари асосида тузилган. У фуқароларга ўз-ўзини бошқаришни ўргатишни, ўз эҳтиёжларини ўзлари қондириш салоҳиятини кенгайтириш имконини беради.

Халқнинг маҳалла-маҳалла бўлиб бирлашиб, ўзини-ўзи идора қилиб, яшаш тарзининг илдиэлари гоят чуқур. Энди уни янги шарафларда, янги мазмун билан бойитиш керак. Мисол учун бир қатор туман ҳокимлиги ва халқ депутатлари туман кенгашлари кўп асрлик тажрибалардан ва энг одилона бошқарув усулидан самарали фойдаланиш мақсадида мавзелирини ҳам маҳаллаларга айлантиришга қарор қилдилар. Айни пай-

МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ

та бу ерларда кенг миқёсда ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, маданий тадбирлар амалга оширилмоқда. Булар аҳолининг ўз-ўзини бошқариш иштирокини янада кенгайтирмоқда.

Айни пайтда маҳалла кўмиталари ўз ҳудудларида истикомат қилувчи камҳарж оилаларга, ногиронларга, ёлғиз кексаларга моддий ёрдам бериш ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида ибратли ишларни амалга

билан келишилган ҳолда Маҳалла стипендияси ташкил қилинди. Шунингдек, «Энг намунавий маҳалла», «Энг намунавий маҳалла оқсоқоли», «Энг намунавий оила» кўрик-танловлари ва шунга ўхшаш қатор тадбирлар мунтазам ўтказиб турилади. Маҳалла ишларини жонлантириш мақсадида жамғарма республика бошқаруви қошида Халқ донишмандлиги маркази ҳамда хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш жамоатчилиги кенгаши фаолият

сиёсий маданиятини оширишга доир давлат органлари, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигини таъминлашга қодир бўлган ижтимоий шартномалар, биргаликдаги мувофиқлашган амалий фаолиятни йўлга қўйиш; — сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш тажрибалари, назариялари ва доир оммабо адабиётлар тизимини

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА



Олий Бахт

оширмоқдалар.

Чунончи, маҳалланинг кенг имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида унинг моддий-маънавий, маданий-маърифий тизимини янада кенг-роқ шакллантириш чоралари қўрилмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси Республика бошқаруви, унинг жойлардаги бўлим ва бўлимчалари ўз Низомий вазифаларини амалга оширишда, хусусан, миллий ва маънавий кадрларни, урф-одатларни тиклаш, маҳаллалар ўртасида маданий-маърифий ишларини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, муҳтожларга ёрдам уюштириш борасида баҳоли-қудрат хизмат қилиб келмоқда. Жамғарма томонидан 1250 дан ортиқ турли тадбирлар ўтказилиб, минглаб оила ва шахсларга моддий ва маънавий ёрдам, табиий офатдан зарар кўрган 460 дан ортиқ оилаларга мурувват кўрсатилди, 1200 никоҳ ва суннат тўйларига ҳомийлик қилинди. 100 га яқин маҳаллаларга белуф асбоб-анжом берилди. Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

кўрсатмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, жаҳон давлатчилиги амалиёти, хусусан, АКШ, Германия, Покистон, Франция, Жанубий Корея, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси, МДХ давлатлари элчихоналари, ташкилотлари Ўзбекистонда қарор топган маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг миллий аънавий тизими — маҳаллалар тажрибасига катта қизиқиш билан қарамокда ва бундай ўзига хос усулнинг афзаллиқларини тан олмақда.

Мамлакатда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини куриш айни пайтда аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни тақозо қилади. Бунинг учун кўпроқ нималарга эътибор қаратиш даркор? Бизнингча булар қуйидагилар:

— ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ҳуқуқий ва сиёсий билимлар беришнинг таълим тизимидagi йўналишлари, тизим, концепцияси ва дастурини тақдим этиш; — фуқаролар ҳуқуқий ва

шакллантириб, бу соҳада аниқ режалар ва дастурлар асосида босқичма-босқич иш олиб бориш.

Давр ўзгармоқда, ҳаёт олдимизга янги-янги муаммоларни қўймоқда. Уларнинг ечими эса, аввало ўзимизда, дунёқарашимиз ва саъй-ҳаракатларимиз уйғунлигидир. Бунга эришишнинг биринчи йўли, бу ошқоралиқдир. Социологик тадқиқотлар натижаларининг ҳозирги вақтда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куришда роли ва ўрни ортиб бораётгани ҳам бежиз эмас. Шу боис ҳам биринчи навбатда маҳаллий органлар фаолиятига доир соҳалар бўйича тадқиқотлар ўтказиб, унда аниқланган камчиликларнинг олдини олиш тадбирлари асосида фаолият кўрсатиш лозим. Қолган муаммолар ҳам шу тарихи ўз ечимини топаверди.

Равшан АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ

(Боши ўтган сонда)
168-модда. Ходимларнинг давлат ёки жамоат вазифалари бажариши, шунингдек жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилиши бўғлиқ кафолатли

тўловларни пул билан таъминлаш манбалари ва бу тўловларни амалга ошириш тартиби.

Ходимларнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажариши (165-модда), шунингдек жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилиши (167-модда) билан боғлиқ кафолатли тўловларни пул билан таъминлаш манбалари ва бу тўловларни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқати томонидан белгиланади.

ча бошқа ишга ўтказилганда, зарарни қоплашда, мажбурий прогкул қилинганда ва бошқа ҳолларда иш ҳақи тўлаш), пенсия тайинлаш учун ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқаришни истисно этганда, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқати томонидан белгиланади.

170-модда. Иш билан боғлиқ харажатларнинг компенсацияси.

Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ қўшимча харажатлар (171, 172, 173-моддалар) қонун ҳужжатлари, жамоат шартномалари ва келишувлари, шунингдек меҳнат шартномаларида белгиланган шартлар ва тартибда иш берувчи томонидан қопланиши лозим.

169-модда. Ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш.

Ходимга тегишли бўлган ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби барча ҳолларда (кафолатли тўловларни бериш, таътил вақти учун ҳақ тўлаш, вақтин-

НОҚОНУНИЙ ИШДАН БЎШАТИЛГАН...

Кейинги вақтларда туман касабаси ташкилотларига энг ишчан, фаол, билимли ёшларни жалб этишга ҳаракат қилинмоқда. Хусусан, бугунги кунда 88 та бошланғич касабаси уюшма ташкилотларимиздан 40 тасини хотин-қизлар бошқармоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Жондор туман халқ таълими муассасаларида қатор сезиларли муваффақиятларга эришилди. 20-иқтидорли болалар мактаб-интернат ўқувчиси Ҳикмат Аҳмедов информатика фанидан республика олимпиадасида фахрли II ўринини олиб қайтди, 2-мактаб ўқувчиси Нарғиза Бўронова ёш мусавирлар республика танловида фахрли I ўринини эгаллади. Сухроб Шеров, Ситора Жўраева каби ўнлаб ўқувчиларимиз спорт мусобақалари ва турли соҳалар бўйича республика танловларида фаол иштирок этдилар.

10-мактаб ўқитувчиси Мақсуд Бозоров ижодкор ўқитувчилар республика танловида, 20-иқтидорли болалар интернат мактаби ўқитувчиси Ҳасан Рустамов «Ил ўқитувчиси» кўрик-танлови республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилди.

Касабаси уюшма туман кўмитаси фидойилик билан меҳнат қилиб ишловчи изланаётган ўқитувчи ва тарбиячиларни ўз вақтида моддий ва маънавий рағбатлантириб келмоқда. Феврал ойидан бошлаб тумандаги 2 та ҳунар-билим юртининг аълочи талабаларига 1000 сўмдан касабаси уюшма туман кўмитаси стипендияси берилиши йўлга қўйилди.

га мактабларга китоб, 100 минг сўмлик спорт анжомлари олиб берди. Шубҳасиз бу ишларнинг ҳаммаси ўқув-тарбия сифатини яхшилаш, соғлом, баркамол, юксак маънавиятли ёшларни вояга етказишга қаратилган.

Афсуски, айрим ҳолларда меҳнат-кашларни ноҳақ, қонунга зид ҳолда ишдан бўшатиш ҳолатлари ҳам содир этилмоқда. 19-хунар билим юрти ўқитувчиси Аҳмад Султонов, 20-иқтидорли болалар интернати мактаби ишчиси Фахриддин Тошев асосис ишдан бўшатишга кўра уюшмасининг аралашуви натижасида, бу ходимлар ўз ишларига тикланиб, қолиб кетган даврдаги ойллик маошларини тўла олдилар. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Касабаси уюшма туман кўмитаси шунга ўхшаш ноҳақ ҳаракатлар содир бўлишини кутиб турмасдан янгидан раҳбарлик ишига тайинланган кадрларга қонунлар доирасида ишлаш, ўзининг ҳуқуқий билимларини доимий ошириб бориш бўйича тавсиялар бериб бормоқда. Бундан ташқари ҳар ҳафта жума кунини юридик консультациялар кунини, ҳар чоракда бир марта таълим-муассасалари раҳбарлари билан меҳнат қонунчилиги юзасидан амалий семинарлар ўтказиб турилади.


Туман кўмитасига бирлашган бошланғич ташкилотларнинг аксариятида маъмурият билан касабаси уюшма кўмитаси ўртасида жамоат шартномаси тузишга эришилди. Аммо унинг бугунги кунда бераётган самараси ҳамма жойда бир хил эмас. Ҳатто, айрим ташкилотларда жамоат шартномасини расмийлаштириш учун тузиб қўйилиши энг оғриқли дардларимиздан биридир. Ана шундай камчиликларнинг олдини олиш учун жамоат шартномаси моҳиятини меҳнаткашлар онига етказиш учун ҳар бир жамоат билан учрашиб, тушунтириш ишларини олиб боряемиз.

«Мактаблар кунини» муносабати билан туманимиз мактабларида жуда кўп йиллар амалга оширилди. Ҳомийлар томонидан жами 15 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. Мактаб кутубхоналарига 2,5 миллион сўмлик китоб олиб берилди. Жамоат ҳўжаликлари томонидан 46 та мактабимизга 1 гектардан ер берилди. Касабаси уюшма туман кўмитаси 80 минг сўмдан ортиқ маблағ-

иш фаолияти вақтинча тўхтатилди. Ёнгин хавфини келтириб чиқарадиган 225 та электр тармоқлари узиб қўйилди. 249 масканга жами 299900 сўм миқдорда жарима белгиланди. Ёнгин назорати ходимларининг тавсияномаларини бажармаганликларини учун 17 та юқори ташкилотларга тақдирнома ва тавсияномалар берилди.

— Бизнинг вазифамиз хонадонларда ёки маъмурий биноларда ёнгин чик-маслигини назорат қилиш эмас, балки бу жойлардаги мутасадди кишиларга ёнгин содир бўлмашига учун нималарга эътибор беришлари зарур эканлигини тушунтиришдан иборат, — дейди М.Дуниев.

Жамол АШУРОВ,
Жондор тумани таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма кўмитаси раиси.



Ёз гашти ўзгача. Бу тўқин-сочин мавсумини мактаб ўқувчилари сабрсизлик билан кутишади. Боиси улар сўлим оромгоҳларда мириқиб хордик чиқаришлар. Қашқадарё вилоятидаги матлубот-саудо худудий акциядорлик компаниясининг Охунбобоев номидаги оромгоҳда ишчи-хизматчилар фарзандларидан ташқари 300 нафардан ортиқ меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳам мириқиб дам олишади. Уларнинг ҳар бир кунини қувноқ ва мазмунли ўтмоқда.

Суратда: оромгоҳ ҳаётидан лаҳзалар.

З.РАҲМАТУЛЛАЕВ
олган суратлар.

Қарши туманида ўтган йилнинг мана шу даврида 22 марта, бу йил эса 19 та ёнгин ҳодисаси содир бўлди. Демак тилсиз ёв олдини олиш борасидаги ишлар талаб даражасида эмас.

— Жорий йил бошида аҳолини ёнгин хавфидан огоҳ этиш, уларнинг бошига тилсиз офат ташвиши тушмаслиги учун 7925 хонадонда бўлиб, тарғибот ишларини олиб бордик. Ноқонуний равишда фойдаланилаётган иситиш тизимлари, ўзбошимчилик билан ясалган ўчоқларга барҳам берилиб базиларга жарима солишга тўғри келди. Қайта-қайта текширувлар ўтказдик, — дейди туман ИИБга қарашли давлат ёнгин назорати бўлимчиси бошлиғи Мурод Дуниев.

Шу ўринда битта воқеа хусусида. «Насаф» жамоат хўжалигининг Губдин қишлоғидан шошилич хабар келди. Фулом Асадовнинг уйда ёнгин содир бўлган. Бу қишлоқ Бешкентга 15 чақирим. Аммо Қарши шаҳрига жуда яқин. Шунинг учун ҳам жанговар ўт ўчирувчилар воқеа жойига отланиши баробарида шаҳар ўт ўчирувчилар қисми ҳам ёрдамга етиб келишди. Олов ўчирилди.

Ёнгиннинг катта-кичиги бўлмади. Барибир у оила-

га катта талофат, келтирди. Ана шу оилада эътиборсизлик туфайли катта зийн қўрилди. Хонадоннинг 140000 сўмлик ашёлари ёниб кетди. Ёнгин эҳтиётсизлик, эътиборсизлик, қаровсизлик оқибатида рўй берганини аниқ. Уй эгаси кечаси газ плитасини ёқиб қолдирган. Газ горелкаси, жумраклари чўғ бўлиб қизиган. Эрталаб чой қўймоқчи бўлиб газ жумрагини бураганда у узилиб кетиб, катта босимдаги газ кучли аланга ҳосил қилган...

Шу йил 16 феврал кунини

баттошлик Элмурод Қосимов уйдан тутун бурқиб кўни-кўшилар, бутун қишлоқ ахлини ташвишга солди. 5 хонали уй, дарвоза-хоналари билан бир зумда аланга ичида қолди. Хонадон эгалари 250000 сўмлик уй-анжомларидан ажраб қолишди.

Воқеанинг туб сабаблари текшириб қўрилганда ёнгининг чиқишига Элмуроднинг 8-синфда ўқийдиган ўғли Дилмурод айбдор экан. У қоронғу хонага кириб гугурт қақиб, китоб қидиради. Чақилган гугурт чўпларини ўчирмасдан ги-

ламга ташлайди. Китобни топгач, шошилич мактабга жўнайди.

Аҳоли хонадонларида ёнгин чиқишининг биринчи сабаби ота-оналарнинг эътиборсизлиги ва лоқайдлиги оқибатидандир.

Олов — ёв, деб бежиз айтишмаган. Кейинги пайтда соҳа мутахассислари ишларни анча жонлантиришди. Жумладан, йил бошидан буён 536 та маскан текширилди. Лекин шунга қарамай 72 та жойда улар тавсиялари инобатга олинмаганлиги боис айрим ташкилотларнинг

Дарвоқе, туман давлат ёнгин назорати бўлимчиси мутасаддиларининг бу борада олиб бораётган саъй-ҳаракатлари туфайли, кейинги ойлarda сезиларли силжишлар бўлди. Айни пайтда улар халқимизнинг ризқ-рўзи бўлган галла ўрими мавсуми беталофат ўттиши учун барча чора-тадбирларни қўришган. Бўлимчиси касабаси уюшмаси ҳам қараб тургани йўқ. Тадбир ишлаб чиқиб, мавсумнинг ҳар беш кунинида фаол иштирок этаётганларни рағбатлантириб бормоқда.

Абдуқаҳҳор ЭЛМИРЗАЕВ.

ОЛОВ — ЁВ!



26 - 2 шол

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 26

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.40 «Тахлинома»... 11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси мажор ансамблининг концерти...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод»-постчаси: «Ассалом оромгоҳ»...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Соғлом бўлай десангиз». 7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури. 8.00 «Экспресс» телегазетаси. 8.25 «Дилором наволар»...

ЎХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ. 15.50 Кўрсатувлар тартиби. 15.55 «Бобил минораси»...

ЧОРШАНБА, 28

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 Марказий газеталар шарҳи. 8.50 Бир кўшиқ тарихи: «Салламо»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод»: «Эркатой», «Мультотомоша»...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Соғлом бўлай десангиз». 7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури. 8.00 «Экспресс» телегазетаси. 8.25 «Дилором наволар»...

ЎХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ. 15.50 Кўрсатувлар тартиби. 15.55 «Бобил минораси»...

Пайшанба, 29

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 Марказий газеталар шарҳи. 8.50 «Симфоник куйлар оғушида»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод»: «Эркатой», «Мультотомоша»...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Соғлом бўлай десангиз». 7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури. 8.00 «Экспресс» телегазетаси. 8.25 «Дилором наволар»...

ЎХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ. 15.50 Кўрсатувлар тартиби. 15.55 «Бобил минораси»...

Шанба, 1

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 Марказий газеталар шарҳи. 8.50 «Музыка бустони»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод»: «Эркатой», «Мультотомоша»...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Соғлом бўлай десангиз». 7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури. 8.00 «Экспресс» телегазетаси. 8.25 «Дилором наволар»...

ЎХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ. 15.50 Кўрсатувлар тартиби. 15.55 «Бобил минораси»...

Якшанба, 2

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 Марказий газеталар шарҳи. 8.50 «Музыка бустони»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод»: «Эркатой», «Мультотомоша»...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Соғлом бўлай десангиз». 7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури. 8.00 «Экспресс» телегазетаси. 8.25 «Дилором наволар»...

ЎХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ. 15.50 Кўрсатувлар тартиби. 15.55 «Бобил минораси»...

Жума, 30

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 Марказий газеталар шарҳи. 8.50 «Музыка бустони»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод»: «Эркатой», «Мультотомоша»...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Соғлом бўлай десангиз». 7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури. 8.00 «Экспресс» телегазетаси. 8.25 «Дилором наволар»...

ЎХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ


14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ. 15.50 Кўрсатувлар тартиби. 15.55 «Бобил минораси»...

Касаба уюшма спорти

ИШЧИЛАР БЕЛЛАШГАНДА

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси ташаббуси билан «Соғлом авлод йили» Дастурига биноан Олмалик тоғ-металлургия комбинатининг «Металлург» спорт мажмуида анъанавий спартакиада ўтказилди.

Ушбу спартакиаданинг биринчи босқичи республикамизнинг барча вилоят ва туманларидаги бошлангич касаба уюшма ташкилотларида, иккинчи босқичи эса ҳудудлараро бўлиб ўтган эди. Ана шу босқичларнинг голиблари мазкур спартакиаданинг якуний босқичида спортнинг етти тури: мини футбол, шахмат, шашка, аёллар ва эркеклар ўртасида волейбол, сузиш ва енгил атлетика бўйича мусобақалашдилар.



Спартакиаданинг тантали очилиш маросими ҳақиқий байрам тусини олди. Йигилганлари Олмалик тоғ-металлургия комбинатининг «Металлург» маданият саройи қошидаги ўйинчи кизлар дастаси, «Ритм» эстрада ва «Ситора» миллий ракс дасталари ҳамда таэквондочилар қизлар гуруҳи ўз қизиқари билан муборакбод этдилар.

Спартакиадани ўтказишдан асосий мақсад, аввало жамоалараро алоқаларни, меҳр-оқибат ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш ҳамда меҳнаткашларни спортга оммавий жалб этиш орқали соғлом турмуш тарзини, жисмоний етуклини таъминлашдир. Деди биз билан суҳбатда Ўзбекистон метал-

лургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси раиси Шавкат Одилов. Спартакиаданинг мазкур спорт мажмуида ўтказилган ҳам бежиз эмас. Чунки, бу ерда спортнинг барча турлари билан шуғулланишга етарли шароитлар мавжуд. Кези келганда, мазкур спорт мажмуидан республикамизнинг кўплаб чемпионлар етишиб чиққанлигини таъкидлаш лозим.

Ишчилар ўртасида спортни оммалаштириш ва ривожлантириш асосий мақсадларимиздан бири, - дея суҳбатни давом эттирди Олмалик тоғ-металлургия комбинати очик ҳиссасдорлик жамияти раҳбари, Олий Мажлис депутати Виталий Сигедин. Чунки спорт инсонни турли номаъқул йўللardan сақлаб, фойдали жараёнга

лашувлар чиндан ҳам қизгин ўтди. Мини футбол бўйича Олмалик тоғ-металлургия комбинати (ОТМК) жамоаси голибликни кўлга киритди. Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшма кўмитаси жамоасига иккинчи, вилоят тармоқ кўмитаси вакиллари эса учинчи ўрин насиб этди.

Шашка мусобақаларида Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси биринчи, Олмалик тоғ-металлургия комбинати (ОТМК) спортчилари иккинчи, касаба уюшма шаҳар тармоқ кўмитаси шашкачилари учинчи ўринларга эришдилар.

Спортнинг шахмат турида Олмалик металлургия биринчи, енгил атлетика бўйича эса вилоят тармоқ касаба уюшма кўмитаси спортчилари биринчи ўринни эгалладилар.

Шунингдек, Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшма кўмитасининг волейболчи кизлари аёллар ўртасидаги волейбол мусобақаларида пешқадамликни кўлга киритдилар. Олмаликлик волейболчиларга иккинчи, вилоят тармоқ кўмитаси жамоасига учинчи ўрин насиб этди.

Эркеклар ўртасидаги волейбол мусобақаларида эса ОТМК бош совринни, шаҳар тармоқ кўмитаси иккинчи ўринни эгаллади.

Қизгин баҳсларга бой бўлган сузиш му-

Мамлакатимизда илк бор ўтказилган универсиада баҳсларида Фарғона Давлат университети талабалари вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Улар 12 та олтин, 18 та кумуш ва 8 та бронза медалини кўлга киритишди.

— Ёшларимиз ўзларига билдирилган ишонччи оқлашди, — дейди университет профессори Абдуғаффор Шарофиддинов. — 63 нафар талаба, 14 нафар мураббий ва

ҲАСАНБҲОЙГА «ТИКО» ЯРАШДИ

оша югуриш мусобақаларида Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва наманганлик кучли рақибларини ортда қолдириб, энг юқори кўрсаткичга эришди. 2 та олтин медал ва Президент соврини —

метр масофага югуришда учинчи ўринларни эгаллаган.

Шубҳасиз, ҳар қандай галаба; ютуқ замирида мураббий меҳнати ва маҳорати ётади. Университетда ўз ишининг устаси бўлган фидойи мураббийлар талантигина. Шулардан бири салкам 35 йилдан буён ёшларни соғлом турмуш тарзи билан ошно этаётган Юрий Николаевич Яшиндир. Устознинг бахти шундаки, бугун унинг кўплаб шогирдлари олимпиада ва халқаро мусобақалар голиби, жаҳон ҳамда Европа чемпионлари совриндори. 4 йилдан буён университетда таълим-тарбия бериб келаётган Ю.Яшиннинг «Универсиада-2000»да шогирдларидан 12 нафари қатнашиб, 7 та олтин ва 5 та бронза медалига сазовор бўлишди.

Мусобақаларда бизга асосий рақобат Тошкент жисмоний тарбия институти жамоаси томонидан бўлди, — дейди у биз билан суҳбатда. — Ҳар қалай, шогирдларим ишончимни оқлашди. Айниқса, Ҳасанбой Раҳимов, Шухрат Матбоев, Баҳром Тожиев ва Дилмурод Содиқовлар хурсанд этишди.

Дарҳақиқат, Фарғона Давлат университети спортчи талабалари «Универсиада-2000» баҳсларида чин маънода муваффақиятли иштирок этишди. Бу эса олий илмгоҳда жисмоний тарбия ва спорт ишлари тўғрисида кўйилганлигидан, университет жамоаси соғлом авлод камолати йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётганлигидан дарак беради.

Аҳмаджон ТўХТАСИНОВ, Сурайё АГЛАЕВА, «Ишонч» мухбирлари.

СПОРТ - СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

ҳакамлардан иборат вакилларимиз спортнинг баскетбол (эркеклар жамоаси) ва волейбол (қизлар жамоаси), стол тенниси ва футбол, белбоғли кураш ва енгил атлетика турлари бўйича кураш олиб бордилар. Умумжамоа ҳисобида ОТМК спортчилари голиб деб топилиб, касаба уюшма Марказий Кўмитасининг 35 минг сўмлик пул мукофоти билан тақдирланди. Фахрли ўринларни эгаллаган жамоаларга ҳам диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.

«Тико» автомашинасининг соҳибига айланди. — Енгил атлетика билан ўн йилдан буён шуғулланаман, — дейди Ҳасанбой. — Биринчи устозим Андижон спорт мактаби мураббийси Рўзибой Бектемиров бўлган. 1996 йилда Фарғона Давлат университетида ўқишга кирдим. Шундан буён менга Юрий Яшин устозлик қилмоқда. Универсиадада эришган барча ютуқларимда уларнинг ҳиссаси жуда катта.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Ҳ.Раҳимовнинг халқаро мусобақалардаги иштирокига ҳам ҳавас қилсангиз арзий-дир. Жумладан, Хиндистон (1996 йил), Дания (1996 йил), Ирландия (1999 йил), Португалия (2000 йил) давлатларида бўлиб ўтган халқаро турнир ва қитъа чемпионатларида муваффақиятли катнашган. Ўтган йили бўлиб ўтган учинчи Марказий Осиё ўйинларида эса ёш, умидли спортчимиз 3000 метр масофага тўсиқлар оша югуриш бўйича иккинчи ва 4500

«Тико» автомашинасининг соҳибига айланди. — Енгил атлетика билан ўн йилдан буён шуғулланаман, — дейди Ҳасанбой. — Биринчи устозим Андижон спорт мактаби мураббийси Рўзибой Бектемиров бўлган. 1996 йилда Фарғона Давлат университетида ўқишга кирдим. Шундан буён менга Юрий Яшин устозлик қилмоқда. Универсиадада эришган барча ютуқларимда уларнинг ҳиссаси жуда катта.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Ҳ.Раҳимовнинг халқаро мусобақалардаги иштирокига ҳам ҳавас қилсангиз арзий-дир. Жумладан, Хиндистон (1996 йил), Дания (1996 йил), Ирландия (1999 йил), Португалия (2000 йил) давлатларида бўлиб ўтган халқаро турнир ва қитъа чемпионатларида муваффақиятли катнашган. Ўтган йили бўлиб ўтган учинчи Марказий Осиё ўйинларида эса ёш, умидли спортчимиз 3000 метр масофага тўсиқлар оша югуриш бўйича иккинчи ва 4500

Футбол БЎСАҒАДА - ИККИНЧИ ДАВРА

Маълум маънода нафас ростлаб олиш ва босиб ўтилган нарвоннинг, агар таъбир жоиз бўлса, ўн тўққиз погонасидан сўнг ортага бир қараш учун имкон туғилди. Албатта, қилни қирқ ёрувчи мутахассисларимиз ҳали ўз фикр-мулоҳазаларини айтадилар, лозим бўлса, таклифлар билан чиқиб, бугун футболимизда юз кўзга ташланаётган қонлашишга баҳоли қудрат туртки берадилар.

Биз эса, ўзимизга берилган имкониятдан фойдаланиб, муҳтарам муштарийларимизни биринчи давранинг сўнгги тури билан та-

ништириб ўтмоқчимиз. Олдинги шарҳимизда эҳтимол тутганимиздек, кўшни жамоалар ўртасида кечган учрашувлар муросасиз курашлар остида ўтди ва куйидаги натижалар қайд этилди:

- «Трактор» - «Металлург» - 5:0, «Гулистон» - «Сўғдиёна» - 1:3, «Семерғ» - «Пахтакор» - 1:1, «Кимёгар» - «Дўстлик» - 2:3, «Темирийўлчи» - «Навбахор» - 1:4, «Зарафшон» - «Самарқанд» - 0:2, «Кизилқум» - «Бухоро» - 1:4, «Андижон» - «Нефтчи» - 2:0, «Сурхон» - «Насаф» - 3:3, «Турон» - «Хоразм» - 2:0.



ҚўЛ ЖАНГИНИНГ ОММАВИЙЛИГИ ОРТМОҚДА

23-27 июн кўнлари пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида ўсмир ва ёшлар ўртасида қўл жанги бўйича халқаро турнир ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг иқтидорли спортчилари катори Россия Федерацияси, Марказий Осиё республикаларидан келган қўл жанги санъати усталари 14 вазн тоифасида голиблик учун беллашадилар.

— Соғлом авлод тарбиясида якка кураш турларидан — қўл жанги санъати ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда, — деди қўл жанги бўйича «Динамо» спорт клуби бош мураббийси Аҳмад Рашидов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Қолаверса, юртимизда гиёҳвандликка қарши кураш ойлугига ҳамоҳанг тарзда ўтказилаётган спорт мусобақалари ёшларимизнинг соғлом муҳитда камол топишига, жисмоний чиниқиши ва маънавий баркамол ўсишига муносиб улуш

Сузиш. Қадим замонлардаёқ киши сувда ўзини тутта олиши, яъни сузишни яхши билиши ажойиб хусусиятлардан бири саналган. Сузиш мусобақаси эса илк бор 1515 йили Венецияда ўтказилган.

XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Германия, Австрия, Чехия, Франция каби Европа мамлакатларида дастлабки сузиш спорти мактаблари жорий этилган. 1877 йили Англияда сузиш бўйича йирик мусобақалар бўлиб ўтган. 1890 йилга келиб илк марта бу соҳада Европа биринчилиги ўтказилди. 1896 йили Афинада ўтган биринчи Олимпиада ўйинларида сузиш сузиш Олимпияда ўйинлари дастурига киритилган.

Олимпиада ўйинлари тарихидан

Чим устида хоккей. Бу спорт тури ибтидоий шаклда миллоддан аввалги 2 минг йилликдаёқ Қадимги Юнонистон, Рим, Эрон, Хиндистон, Америка ва Японияда кенг тарқалган эди. Урта Осиёда эса унинг отда ўйналадиган тури — чавгон IX асрдаёқ машҳур бўлган. Ушбу ўйиннинг ҳозирги номи бир замонлар француз чўпонлари тўп қувиб юрган эгри таёқ — «хоке» деган сўздан келиб чиққан. III Олимпияда ўйинлари дастурида канадалик индеецларнинг тўп ва чавгон — қлюшка билан ўйналадиган ўйинлари — «Лякросс» ўтказилган эди. Ҳозирги замон чим устида хоккей ўйинининг қоидалари 1908 йил Лондондаги IV Олимпиада ўйинлари дастурида ўз аксини топди.

Сузиш. Қадим замонлардаёқ киши сувда ўзини тутта олиши, яъни сузишни яхши билиши ажойиб хусусиятлардан бири саналган. Сузиш мусобақаси эса илк бор 1515 йили Венецияда ўтказилган.

XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Германия, Австрия, Чехия, Франция каби Европа мамлакатларида дастлабки сузиш спорти мактаблари жорий этилган. 1877 йили Англияда сузиш бўйича йирик мусобақалар бўлиб ўтган. 1890 йилга келиб илк марта бу соҳада Европа биринчилиги ўтказилди. 1896 йили Афинада ўтган биринчи Олимпиада ўйинларида сузиш сузиш Олимпияда ўйинлари дастурига киритилган.

Олимпиада ўйинлари тарихидан

Чим устида хоккей. Бу спорт тури ибтидоий шаклда миллоддан аввалги 2 минг йилликдаёқ Қадимги Юнонистон, Рим, Эрон, Хиндистон, Америка ва Японияда кенг тарқалган эди. Урта Осиёда эса унинг отда ўйналадиган тури — чавгон IX асрдаёқ машҳур бўлган. Ушбу ўйиннинг ҳозирги номи бир замонлар француз чўпонлари тўп қувиб юрган эгри таёқ — «хоке» деган сўздан келиб чиққан. III Олимпияда ўйинлари дастурида канадалик индеецларнинг тўп ва чавгон — қлюшка билан ўйналадиган ўйинлари — «Лякросс» ўтказилган эди. Ҳозирги замон чим устида хоккей ўйинининг қоидалари 1908 йил Лондондаги IV Олимпиада ўйинлари дастурида ўз аксини топди.

КўЙ (22 март - 20 апрел)

Урта ёшдан ўтганлар учун бу йилда юрак қон-томир фаолияти билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлиши ва жиддий эътибор беришга, катта ҳавф туғдириши эҳтимол кўчи. Бу, биринчи навбатда ҳисларингизни идора қилмаётганингиз оқибати ҳисобланади, иккинчидан толиқанглигингиз белгисидир.

БЎЗОҚ (21 апрел - 21 май)

Шундай ҳам муаммо бўлиб келаётган айрим масалалар низоюнда чигаллашганга ўхшади. Бу эса табиийки, тажарубали ошпазларнинг ошпазлик санъати билан ошно этаётган Юрий Николаевич Яшиндир. Устознинг бахти шундаки, бугун унинг кўплаб шогирдлари олимпиада ва халқаро мусобақалар голиби, жаҳон ҳамда Европа чемпионлари совриндори. 4 йилдан буён университетда таълим-тарбия бериб келаётган Ю.Яшиннинг «Универсиада-2000»да шогирдларидан 12 нафари қатнашиб, 7 та олтин ва 5 та бронза медалига сазовор бўлишди.

ЭНГЗАКЛАР (22 май - 21 июн)

Бир умрга қоларли қувончли воқеа юз бериши эҳтимол бор. Аммо гаройиб бир ҳолатга тушишингиз мумкин. Гўё катта бойликни кўлга киритсангиз-у, унга эгаллик қилолмайсиз. Бундан қувонгани ҳам, ўқингани ҳам билмайсиз.

КЎСҚИЧБАҚА (22 июн - 21 июл)

Бир пайтлар катта иштиёк билан бошлаб, айрим сабабларга қўра қўл сийлаб ташлаб кетган юмушингизни қайтадан қўрсангиз хато қилмайсиз. Фақат ишончли ҳамкор, яхши маслаҳатчи кўмагига таянишингиз шарт.

АҲСОЛОН (22 июл - 21 август)

Айримларнинг ҳаётида шу кўнгача содир бўлиб келган алғов-даловлар бирмунча пайсалга тушиши эҳтимол туғилмоқда. Бунга дабдурустдан юз берган воқеа, мўтабар кишининг беихтиёр билдирган фикри сабаб бўлиши мумкин. Лекин бу ҳамма кўнгилсизликлар ортда қолдирилган эмас.

СЎНБУЛЛА (22 август - 21 сентябр)

Хизмат жаҳасидати ўта фаолиятлигингиз бошини-гизга галва келтириши ва бу ҳолат икки ўт орасида қолдириши таҳмин қилинмоқда.

ТАРОЗИ (22 сентябр - 21 октябр)

Бу ҳафта қайси ишга қўл урмайсиз, ёру дўстлар ҳамма-гизга қўра қўл сийлаб ташлаб кетган юмушингизни қайтадан қўрсангиз хато қилмайсиз. Фақат ишончли ҳамкор, яхши маслаҳатчи кўмагига таянишингиз шарт.

ЧАЁН (22 октябр - 20 ноябр)

Қўндалик юмушларингиз, дедирли, ўтгидан келмастлиги мумкин. Бунинг бирдан-бир сабаби шу ҳафтанингизнинг осмону фалакда юриши бўлади. Бу романтик туйғунинг меъёрини билмасангиз, баъзилар «шоирни девона» дейишлари ҳам ҳеч гап эмас. Аммо бундай туйғусиз ҳам яшаб бўлмастлигини унутманг.

ҲАЙ (21 ноябр - 20 декабр)

Моддий-молиявий масалалар билан боғлиқ муаммоларингиз дабдурустдан ечимини топиши, бироқ бу сизга қутилимаган қувонч келтирмастлиги мумкин. Бир қарашда ишларингиз ўнгаланиб кетганда, аммо кўнгилнингизнинг, бир чеккаси чирок бўлса ҳам, ёришмайдиган ҳолатда бўлади.

ЭЧКИ (21 декабр - 20 январ)

Махфий муносабатлар ошқор бўлиши ҳавфи йўқ эмас. Бунга ўзингиз эмас, сиз билан сирдош бўлганлар сабаби бўлишлари эҳтимол кўчи. Шу боис бу қўндаликда, имкон борича, сирдошларингиз даврасидан узоқроқда бўлсангиз, ўрни келганда, бу ҳафта уларни ҳам оғохлантириб қўйсангиз фойдалан холи бўлмайд.

КЎБГА (21 январ - 19 феврал)

Оилада бу ҳафта ўта босқинлик, ўрни келганда, ҳатто хомушлик яқин кишиларингиз билан орангизда тўп-лашиб қолган салбий «зарядларнинг» нейтраллашиб кетишига олиб келиши керак. Юдузингиз бу ҳафта сизга шундай қайфиятни ҳаёда этиши эҳтимол кўчи.

БАЛИҚ (20 феврал - 21 март)

Анча чигаллашиб кетган муаммони ҳал этишингиз эҳтимол кўчи. Аммо, Ҳафта давомида тасодифан юз бериши мумкин бўлган қўндаликда, касофатга ўхшаб қоларлардан гафлатда қолманг. Утиб кетган кўнгилсизликларни эслаб, ҳафтанингизни қайлетманг. Шу кўннинг хуш ўтганига шўқр қилсангиз, марра сизники.

Самарқанд вилояти ёнгли-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма раислари Кенгаши тармоқ Марказий кўмита раисининг ўринбосари А.З.Рафқовга отаси

Зокиржон отанинг

вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изкор қилади.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Махсус: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Умумий алади 14.002 нуска. Сотилади эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаханаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.30